Умуман ирригация термини лотинча «*Irrigatio*» сўзидан келиб чиқсан бўлиб, экинларни суғориш мазмун моҳиятини ифодалайди. Экинзорларни сифатли ривожлантиришда сувдан фойдаланиш механизмининг тўғри шакл-шамойилларини яратади, шунингдек сувдан самарали ва мақсадга мувофиқ фойдаланишини таъминлаш учун амалга ошириладиган бир қатор тадбирларни, яъни мураккаб сув иншоотларини яратиш технологиялари, ихтисослаштирилган техника воситалари, ушбу соҳада яратилган ишланмалар ва амалий тажрибалар мажмуасини ўзида мужассамлайди.

Албатта бугунги ривожланиш жараёнида, жаҳон миқёсида оқар сув танқислиги кундан-кун муаммоли ва кенг муҳокамали ҳамда таҳликали эканлигини яққол намоён этмоқда, бу ўз навбатида жаҳонда одамларнинг тўхтовсиз кўпаётганлиги, истеъмол саватчасини тўлдириш учун талабнинг ошиб бораётганлиги, айниқса Ўзбекистонда суғориладиган қишлоқ хўжалиги ер майдонларининг камайиб бораётганлиги ирригация соҳасида кенг кўламли назарий-амалий ишларни бажаришни кун тартибига қўймоқда.

Яна бир нарса, кишилик жамиятида йиллар ўтиши билан аҳоли жонбошига тўғри келадиган ер майдони камайиб бориши қузатилмоқда, яъни 1900 йилда 7,91 гектарни ташкил этган бўлса, 2005 йилда 2,02 гектарни ташкил этди, 2050 йилга бориб эса 1,61 гектарга тушиб қолиши прогноз қилинган. Бундай ўта мураккаб оғир салбий оқибатларга олиб келиши мумкин бўлган, олдиндан бирорта хulosага келиш ёхуд ечимини топиш чуқур назарий ва амалий ишланмалар қилишни талаб этадиган жараён ҳозир ҳам ва бундан кейин ҳам мутахассисларнинг ва олимларнинг дикқат марказида бўлишилигини ҳаётнинг ўзи тақозо этмоқда.

Дарҳақиқат, иқтисодиётнинг чуқур ва барқарор ривожланишида сув ресурслари жуда муҳим ва стратегик аҳамият касб этади, айниқса ҳалқ хўжалигининг бошқа тармоқлари билан бир қаторда қишлоқ хўжалигини сувсиз тасаввур этиб бўлмайди, чунки барча деҳқончилик ва чорвачилик маҳсулотларини етиштириш сув ресурсларининг энг улкан истеъмолчиси ҳисобланади. Шунинг учун ҳам озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш инсоният оламида энг устувор стратегик аҳамият касб этиб турган бир пайтда қишлоқ хўжалигига сув ресурсларидан самарали фойдаланиш, ҳамда мутлақо янги ва замонавий сувни ортиқча исроф қилмайдиган илфор технологиияларни амалиётга киритиш кечиктириб бўлмайдиган стратегик аҳамият касб этадиган масалалардан ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «2013-2017 йилларда суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини янада яхшилаш ва сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 2013 йил 19 апрелдаги ПҚ-1958-сонли қарорига кўра, илфор технологиияга асосланган томчилатиб суғориш тизимини ва сувни иқтисод қилиб сарфлайдиган бошқа суғориш технологияларини қўллашни самарали ташкил этиш [8] учун Вазирлар Маҳкамасининг «Томчилатиб суғориш тизимини ва сувни тежайдиган бошқа суғориш технологияларини жорий этиш ва молиялаштиришни самарали ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 2013 йил 21 июндаги 176-сонли қарори қабул қилинди.

Ушбу қарорнинг ижросини таъминлаш ва ирригация тизимида сувдан оқилона фойдаланишда бозор принциплари ва янги механизмларни жорий этиш асосида сув ресурсларидан унумли, мақсадли ва иқтисод қилиб фойдаланишни ташкил этиш, энг мукаммал ривожланган технологияларни жорий этиш асосида сув таъминоти соҳасида ягона сиёсатни қўллаш, сув истеъмолчиларини ўз вақтида ва узлуксиз бир маромда сув билан таъминлашни ташкил этиш борасида кенг-қўламли вазифалар белгилаб берилди [9]. Шу жойда бир масалага алоҳида тўхталишни лозим, деб ҳисоблаймиз.

«Ўзбекистон: яқин тарихга бир назар» номли рисолада муаллифлар «... Орол денгизи Марказий Осиё табиатини белгилаб турган муҳим бўғиндир. ... Денгизнинг қуриб бориши билан боғлик экологик муаммо аллақачон регионал доирадан чиқиб, глобал аҳамият касб этди, чинакам фожиага айланди», - деб таъкидлашди [3, 70-б.].

Муаллифлар таъкидлашича, ўтган асрнинг олтмишинчи йилларида ҳар йили 70-80 минг гектар бўз ер ўзлаштирилганлиги оқибатида йилига чўлни ўзлаштириш учун 600-700 миллион, ҳатто бир миллиард куб метр сув сарфланганлиги натижасида вақти келиб дарёлар суви Оролга етиб бормай қўйган. Таъкидлашларича, « Аввалги Оролни ҳатто кичикроқ ўлчамда бўлса ҳам, энди кўрмаймиз. Унинг ўрнида ҳозир мавжуд бўлган учта кўл сақланиб қолади. Улар Сирдарё ва Амударёдан эмас, балки ер ости сувлари ва бошقا манбалардан сув олади» [3, 76-б.].

Ушбу айни ҳақиқат ва асосли хавотирлар 2030 йилга бориб 40 миллиондан ошиб кетадиган Республика аҳолисининг яшаш минимуми ва истеъмол сувига талабнинг ошишини ҳамда суғориладиган майдонларни талаб даражасидаги сув билан таъминлаш муҳим стратегик муаммо эканлигини ҳаётнинг ўзи кун тартибига қўймоқда. Шунинг учун ҳам асосий мақсадли кўрсаткичларга эришишни таъминлаш учун Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 10 июлдаги «Ўзбекистон Республикаси сув хўжалигини ривожлантиришнинг 2020-2030 йилларга мўлжалланган концепциясини тасдиқлаш тўғрисида»ги 6024-сонли фармонига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси сув хўжалигини ривожлантиришнинг 2020-2030 йилларга мўлжалланган концепциясини унинг устувор йўналишлари ва тегишли даврга мўлжалланган мақсадли параметрлари ва кўрсаткичларидан келиб чиқиб, ҳар уч йилда тасдиқланадиган Ўзбекистон Республикаси сув хўжалигини ривожлантириш стратегиялари орқали босқичма-босқич амалга оширилиши белгилаб қўйилди [10].

Ушбу топшириқларни амалда бажарилишини таъминлаш учун иқтисодиётнинг муҳим тармоғи бўлган сув хўжалиги тизимида асосий йўналишлардан бири инновацион салоҳиятини қучайтириш, бунинг учун эса интеллектуал имкониятдан ва инновацион фаолият билан шуғулланадиган бозор субъектларининг ташкилий ва иқтисодий томондан ривожланиш тамоилларини тартибга солиш, хориж тажрибаларини кенг қўллаган ҳолда Инновацион ишланмаларни сув хўжалиги корхона ва ташкилотлари фаолиятига кечиктирмасдан зудлик билан жорий этилишини илмий томондан тадқиқ қилиб жорий этиш сув хўжалигини янада барқарор ривожлантиришда кечиктириб бўлмайдиган масалалардан бўлиб ҳисобланади.

Натижалар. Сув ресурсларини бошқаришнинг истиқболи сифатида худудий принципдан ҳавза принципига ўтказишда амалга оширилган ислоҳотлар натижасига қўра сув хўжалигига ва сувдан самарали фойдаланишда бир қатор янги имкониятлар вужудга келди. Ёхуд, биринчидан Қашқадарё вилоятда сув ресурсларидан

фойдаланишда қишлоқ хўжалиги тармоғида ҳамда бошқа сув истеъмолчиларида асосан катта-кичик сув омборлари (Таллимаржон, Чимқўрғон, Пачкамар, Ҳисорак, Қалқама, Қамаши, Яккабоғ, Қизилсув, Гулдара, Деҳқонобод, Эски Анҳор, ер ости сизот сувлари ва бошқалар) орқали камида 90-95 фоизи оқар ва ичимлик сувлари билан таъминланади, сув омборларининг сувидан фойдаланишда жуда узоқ масофаларни босиб ўтиши талаб қилинганлиги, шу нуқтаи-назардан қараганда ҳавза принципининг амалга оширилиши «бир қўлдан» бошқаришга эришилишини, иккинчидан, йилдан йилга сув олинадиган манбаларда сув ресурсларининг етишмовчилиги кўпроқ сезилаётганлиги авж олиб кетаётганлиги учун ҳам ирригация тизимининг ички имкониятларини ишга солиш, сув ресурсларидан мақсадли ва самарали фойдаланиш масалаларига диққат ва эътибор билан ёндашишни таъминлашга, сув ресурсларини асраб авайлаш, сувдан фойдаланишда ривожланган илғор технологияларни, «ақлли сув» қурилмаларини кенг жорий этишга эришиш, иқтисодиётнинг барча жабҳаларида сув истеъмолчиларини ўз вақтида ва узлуксиз сув билан таъминлаш, халқ хўжалигининг барча соҳаларида сувдан фойдаланишнинг аниқ ўлчовини ва ҳисоб-китобини олиш юзасидан ҳар томонлама мукаммалашган аниқ ҳисобини таъминлашга эришиладиган ягона сув сиёсатини олиб бориш, шунинг билан бирга барча манбалардан олинаётган сув учун сарфланаётган бюджет маблағлари ва бошқа турли хилдаги ҳомийлик ва шериклик маблағларидан мақсадга мувофиқ фойдаланишни назорат қилишга эришиш, улардан фойдаланишнинг самарали йўлларини ахтариб топиш юзасидан зарур чора-тадбирларни ишлаб чиқиш имкониятини яратишга эришилмоқда. Айтиш жоизки, Қашқадарё вилоятида жуда катта суғориладиган майдонлар фермер хўжаликлари ва аҳоли томорқалари ҳиссасига тўғри келади, асосан пахта, ғалла, мева, узум, сабзавот ва полиз экинларини суғориш қаридор йил давомида узлуксиз амалга оширилади. Шундай экан, бундай катта ҳажмдаги суғориладиган майдонларни оптимал муддатда агротехника талабига мослаб, суғориш учун ўтган давр мобайнида сув истеъмолчилари фермерларни сув билан таъминлашда анчагина ташкилий-тадбирий ўзгаришлар қилинди. Дарҳақиқат, вилоятга кириб келаётган сув ресурсларининг 75 фоизи кўшни Туркманистон давлатидан Амударё орқали 79,6 км узунликда 132 метр баландликка кўтарилиб Қарши магистраль каналида 7 та кўтармали насос станциялар каскади орқали, атиги 5 фоизи Зарафшон дарёси орқали ва 20 фоизи Қашқадарёнинг ўзидан ва унинг ирмоқлари ҳамда скважиналар орқали таъминланади. Вилоятда 14 та (сув тўплаш ҳажми 2123 м^3) катта ва кичик сув омборлари, 1386 та суғориш, мелиоратив қудуқ ва 69 та насос станциялари, 2469 км магистраль ва хўжаликларро каналлар, 20449 км кластер ва фермер хўжаликлари ҳисобидаги ички каналлардан фойдаланилади. Ушбу маълумотларнинг исботи вилоятда кластер ва фермер хўжаликлари суғориладиган ер майдонларининг ҳажми катталиги, сув танқислиги салбий оқибатларининг кучлилиги, суғоришнинг энг оптимал вариантларини излаб топишни, сув соҳасидаги ислоҳотларни чуқурлаштириш, ирригация тизимида энг илғор технологияларни кенг жорий қилиш, сувни тежайдиган механизмларни амалиётга қўллаш, доимий равишда илмий ва амалий тажрибаларини қилиб боришни ҳаётнинг ўзи кун тартибига қўймокда.

Бизнингча қуи бўғинларда сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш, сув танқислиги шароитида сув истеъмолчилари ўртасида тақсимотини тўғри йўлга қўйиш, сувнинг ҳисоби ва ҳисботини аниқ ҳисоб-китоб қилиш, истеъмолчилар оладиган

сувларнинг тўловини асосланган параметрларда ҳисоблаш ва тўлақонли киритиш ҳамда истеъмолчилар орасидаги муносабатларни янада такомиллаштириш зарурлиги ошкора намоён бўлиб қолди. Шуларнинг ечимини топишда Ўзбекистон Республикаси Президенти 2022 йил 1 марта ПҚ-145-сонли «Қуи бўғинда сув ресурсларини бошқаришни такомиллаштириш ҳамда сув истеъмолчилари орасидаги муносабатларни тартибга солиш чора тадбирлари тўғрисида»ги қарорини қабул қилди.

Ушбу қарорга кўра:

- қишлоқ хўжалиги маҳсулоти ишлаб чиқарувчилар ва аҳоли томорқаларини сув ресурслари билан ишончли таъминлаш;
- ирригация тизимлари ва суғориш тармоқларининг ҳамда улардаги гидротехника иншоотларини доимий техник соз ҳолатда ушлаб туриш;
- йирик қишлоқ хўжалиги маҳсулоти ишлаб чиқарувчиларни ўз ҳудудига сувни бошқариш ва тақсимланишларига жалб қилиш;
- иқтисодиёт тармоқларини сув билан таъминлашга оид давлат функцияларини хусусий секторга ўтказиш бўйича давлат хусусий шериклик тамойилларини кенг жорий этиш;
- сувнинг ҳисоби ва ҳисботини инсон омилига минимал равишда боғлиқ бўлган автоматлаштирилган тизимлар орқали юритишга ўтиш белгилаб қўйилган [11].

Вилоятнинг асосий қишлоқ хўжалик маҳсулотларини етиштириб берадиган 7 та туманидаги 392 минг гектар майдон Амударёдан олинадиган сув ҳисобидан суғорилади, мана шу сувни олиб келиш учун бир йилда қарийб 2,5 трлн. сўм маблағ фақатгина электр энергия харажатига сарфланади, биргина Амударё ҳавзасидан олинадиган 1 метр куб сувнинг кластер ва фермер хўжалигининг далагача етказиб бериш таннархи мамлакат бўйича энг қиммат 481 сўмни ташкил этмоқда. Жами 417 минг гектар қишлоқ хўжалиги экин майдонларини суғоришга ҳар йил 5,2 млрд. м³ сув талаб этилишга қарамасдан 2023 йилда бор-йўғи 3,73 млрд. м³ сув таъминланди, ёхуд 1,47 млрд м³ сув ресурси етишмади. Президент Ш. Мирзиёев 2023 йил 29 ноябрь куни Республикада сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш ва ўйқотишларни камайтириш чора-тадбирлари ҳақида видео селектор ўтказиб, унда сув ресурсларининг 20 фоизи ўзимизда ва қолган 80 фоизи қўшни давлатларда шаклланишини таъкидлади, ҳамда 90 фоиз сув қишлоқ хўжалигида фойдаланишини эътироф этиб 1 гектар пахта майдонини суғориш учун 10-11 минг м³ сув сарфланаётганлиги, шароити бизнигiga ўхшаш жойларда 2-3 баравар кам сув сарфланаётганлигига алоҳида урғу берганлиги ва сув исрофгарчилигининг олдини олиш юзасидан бир қатор чора-тадбирлар кўрилишини энг долзарб кечиктириб бўлмайдиган вазифалардан эканлигини таъкидлади. Кўп йиллик тажрибадан аёнки, вилоятда асосий сув ресурслари сув омборлари ва дарёлар орқали оқиб келганлиги учун ҳам кластер ва фермер хўжаликлари даласигача етказиладиган сувнинг аксарияти ер ариқларидан ва бетонлашмаган каналлардан оқиб келади, бу ўз навбатида жуда катта ҳажмдаги сув ресурсларининг бекорга исрофгарчилигига ва жуда кўп миқдорининг ерга сингиб кетишига олиб келади. Шунинг учун ҳам катта ва кичик каналлардан йил давомида лойқа сувнинг оқиши натижасида ариқларда лойқаларнинг пайдо бўлишига ва тўлиб қолишига олиб келмоқда.

Республика бўйича сувдан самарали фойдаланиш ва сув исрофгарчилигига юл қўймаслик учун барча сув оқадиган каналларни бетонлаштириш, сув оқадиган

ариқларни таъмиrlаш бўйича улкан топшириқлар берилди, бу муаммонинг ижобий ҳал этилиши сувдан исрофгарчиликсиз фойдаланишни ва сувни иқтисод қилиб ишлатишни таъминлашга ёрдам беради. Бундай катта ҳажмдаги юмушларни бажариш соҳада хизмат қилаётган раҳбар ва мутахассислардан фидоийликни талаб этади, шунингдек ушбу соҳада йўл қўйилган бир қатор камчиликларни тезроқ бартараф этиш учун ҳозирги пайтда амалиётдаги ечимини кутаётган муаммоларни бартараф этиш ҳамда бу соҳага илғор технологиялар ва хорижий тажрибаларни кенгроқ жорий этиш талаб этилмоқда.

Қашқадарё вилоятида Таллимаржон сув омборидан сув оладиган Қарши Магистраль канали, Миришкор Магистраль канали, Чимқўрғон сув омборидан сув оладиган Пахтаобод, Тўқбой, Қоратепа, Қулоқли, Қорабоғ ва Гиштли каби каналлар, Эски Анҳор канали орқали Араббанди, Чияли, Пахтакор каналлари, Пачкамар сув омборига қарашли чап қирғоқ, ўнг қирғоқ ва бошқа бир қатор каналлар ва бошқа кўплаб каналлардан фермер хўжаликлари далаларига 2-3 кўттармада катта кучланишли насослар орқали сув чиқарилиб пахта, ғалла, боғ, сабзавот ва узум майдонлари суғорилади, бу насосларнинг аксарияти (каттароқлари) давлат бюджети маблағи ҳисобига электр энергияда ишлайди, аммо анчагина қисми фермер хўжаликлари ва кластерлари маблағлари ҳисобига ишлатилади.

Бир қатор фермер хўжаликлари ер майдонларига тўғридан тўғри канал ёки ер ариқлардан умуман харажатларсиз сув олинниб суғорилади. Ушбу бир хил шароитда вилоятнинг ичидаги яшаётган ва фаолият юритаётган фермер хўжаликлари ва кластерларнинг насослар орқали сув олганлиги учун электр энергия тўловида уч хил манзара намоён бўлмоқда, шундан асосий зарар кўраётганлар фермерларнинг ўзларининг балансидаги насослар орқали экинларини суғораётганлариdir, улар бутун агротехника даври давомида ишлатилаётган насосларига сарфланган барча электр энергияси харажатларини тўлиқ ўзлари тўламоқдалар, натижада уларда катта қарздорлик пайдо бўлиб қолмоқда, бу албатта уларнинг ҳақли эътиrozларига сабаб бўлиб қолмоқда, чунки пахта хом-ашёсини сотиш нархida бу ҳолат ҳисобга олинмайди, барчасига бир хил нарх амал қиласди. Албатта 2023 йил ҳосилидан бошлаб 2023 йил 26 январдаги «Пахта хом ашёсини етиштирувчилар фаолиятини янада кўллаб-куvvatланишнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисидаги» ПҚ-23-сонли қарорига кўра фермер хўжаликлари электр энергияси харажатларининг 50 фоизигача қисми Давлат бюджетидан қоплаб берилиши тартиби жорий этилди, аммо бу масаладаги чалкашликни узил-кесил ҳал этмайди [12].

Ушбу жуда жиддий стратегик муаммони тартибга солиши, электр энергияга сарфланаётган харажатларнинг фермер хўжаликлари етиштирган маҳсулотлари таннархига киритилишига чек қўйиш тартибини ўрнатиш маҳсулот ишлаб чиқарувчи субъектларнинг ўртасидаги муаммоларнинг ижобий ҳал этилишига амалий ёрдам берган бўларди.

Умуман дунёning турли давлатларида сув тақчиллиги кучайиб бораётганлиги бир қатор кутилмаган муаммоларни келтириб чиқараётганлиги бизнинг мамлакатимизда асосий қишлоқ хўжалик маҳсулотларини етиштириш ва деҳқончилик соҳасида Ўзбекистоннинг асосий бўғини ҳисобланган Қашқадарёга ҳам ўзининг таъсирини кўрсатмоқда, айниқса 2023 йил қиши-баҳор ойларида ёғингарчиликнинг кам

бўлганлиги, ёзниг ўта иссиқ гармселли келганлиги, сув ресурсларининг ҳар йилига нисбатан 25-30 фоизга танқис бўлишига олиб келди, турли манбалардан маълум бўлишича келгуси йилларда ҳам сув танқислиги ҳисобига яна қўплаб инқирозларни келтириб чиқариш хавфи сақланиб қолмоқда. Шунинг учун ҳам келгусида сувни тўғри бошқариш механизмини яратиш, сув тежовчи технологияларни кенг жорий қилиш, сув хўжалигида ирригация мелиорация тадбирларини амалга ошириб бориш, соҳани рақамлаштириш ва давлат шерикчилик тамойилларини кенг жорий қилиш кечиктириб бўлмайдиган масалалардан ҳисобланади.

Илмий изланиш натижаларига кўра, Қашқадарё вилоятида кейинги уч йил ичida жами 104,5 минг гектар майдонларда сув тежовчи технологиялар жадал жорий этилганлиги анча ижобий натижаларни берган. Бу соҳадаги ислоҳотнинг барча ҳудудларда бир маромда олиб борилаётганлигини ўрганиш натижалари яқъол исботланмоқда, ёхуд биргина 2023 йилда сувни тежайдиган суғориш технологиялари 20876 гектарда қўлланилди, шундан томчилатиб суғориш 5349 гектарда, ёмғирлатиб суғориш 1048 гектарда, ер майдонларини лазерли текислаш 13879 гектарда амалга оширилган (1-жадвал).

1-жадвал

Қашқадарё вилоятида 2023 йилда сувни тежайдиган суғориш технологияларини қўллаш тўғрисида маълумот [5].

№	Туманлар номи	Умумий	Томчилатиб суғориш		Ёмғирлатиб суғориш		Дискрет суғориш		Ерларни лазерли текислаш	
			Жами		Жами		Жами		Жами	
			режа	амалда	режа	амалда	режа	амалда	режа	амалда
1	Ғузор	1037	635	167	113	50			700	820
2	Деҳқонобод									
3	Қарши	2151	2098	930	169	15			1200	1206
4	Косон	2152	2960	420	328	23			1100	1709
5	Қамаши	1980	1646	685	157	95			1200	1200
6	Китоб	347	950	259	80	88				
7	Миришкор	3046	2684	806	382	10			1100	2231
8	Муборак	1516	1239	290	112	573			600	653
9	Нишон	2837	2543	98	223	96	900	600	2000	2042
10	Касби	1490	2751	378	172		600		2000	1112
11	Чироқчи	936	1514	306	58				600	630
12	Кукдала	925	1141	135	77	80			600	710
13	Шахрисабз	1121	732	255	154				600	866
14	Яккабоғ	1338	1627	620	141	18			700	700
Жами		20876	22520	5349	2166	1048	1500	600	12400	13879

Аммо бу борадаги ислоҳотларни янада жадалрок ривожлантириш муҳим аҳамият қасб этади. 2017-2023 йилларда сувни тежовчи технологиялар жами 76529 гектарда қўлланилган бўлса, 2030 йилга бориб уни 300 минг гектарга етказиш режалаштирилган (2-жадвал).

2-жадвал

Қашқадарё вилоятида сув тежовчи технологияларни қўллаш тўғрисида маълумот [5].

гаектар

№	Туманлар номи	2017-2023 йилларда жорий этилган сув тежовчи технологиилар			2030 йилгача сув тежовчи технология жорий этиладиган майдон		
		томчилатиб суғориш	ёмгирлатиб суғориш	лазерли текислаш	томчилатиб суғориш	ёмгирлатиб суғориш	дискрет суғориш ва лазерли текислаш
1	Гузор	2295	67	2224	5400	3600	9000
2	Дехқонобод	186					
3	Қарши	2831	15	4898	8850	5900	14750
4	Косон	3158	623	3281	9450	6300	15750
5	Камаши	4671	122	2400	8160	5440	13600
6	Китоб	1374	221		2400	1600	4000
7	Миришкор	3596	23	3526	7590	5060	12650
8	Муборак	2501	826	1516	5100	3400	8500
9	Нишин	1212	211	9392	11400	7600	19000
10	Касби	1301	46	5862	8850	5900	14750
11	Чирокчи	5435	15	1148	9150	6100	15250
12	Куқдала	603	80	1310	2100	1400	3500
13	Шахрисабз	1835		1466	4050	2700	6750
14	Яккабог	4703	26	1531	7500	5000	12500
	Жами	35701	2274	38554	90000	60000	150000

Албатта, буни амалга ошириш учун ирригация тизимида моддий базани кенгайтириш, давлатнинг кўмагини жадаллаштириш, ҳомийларнинг маблағларини кўпроқ жалб этишни кучайтириш керак.

Сув ресурсларидан самарали ва иқтисод қилиб фойдаланишда ирригация ва мелиорация тадбирларини изчил амалга ошириш технологияси муҳим стратегик аҳамият касб этади. Изланишлар натижаси кўрсатмоқдаки бу борада ҳам бир қатор ижобий тадбирлар амалга оширилмоқда. Барча магистраль каналлар ва туманлараро-хўжаликларо каналлар 1970-1990 йилларда қурилган бир неча йиллар давомида бетонлашмаган асосан ер ариқлар қазилган бўлиб йиллар давомида тўхтовсиз сув оқиши ҳисобига, бу албатта ўз-ўзидан равшанки сув исрофгарчилигига сабаб бўлган. Ушбу камчиликни бартараф этиш мақсадида жами вилоят бўйича 26 та каналда 645,4 километрнинг 316,6 километрини шу йил бетонлаштириш режалаштирилди, бу тадбирнинг амалга оширилиши ҳисобига биргина шу йилнинг ўзида 245 млн м³ сувнинг иқтисод қилинишига эришилади, фикримизча бу муҳим стратегик технологияни янада тезлаштириш энг муҳим ислоҳотлардан бўлади.

Вилоятда рақамлаштириш жараёнларига алоҳида эътибор қаратилаётганлиги ҳам диққатга сазовор ислоҳотлардандир. Сув хўжалиги обьектларида кейинги уч йилда 1423 дона замонавий ахборот-коммуникация технологиялари жорий этилди, биргина 2023 йилда жами 594 дона (шундан, 410 дона «SMART WATER» (ақлли сув), 170 дона драйвер ва 14 дона онлайн ҳисоблагич) қурилмалари ўрнатилди.

Хуроса. Албатта ирригация тизимиға хусусий секторнинг шериклик муносабатларини жадал йўлга қўйиш, бу масалада ислоҳотларни янада чуқурлаштириш,

тизимни молиялаштиришга шерикларнинг маблағларини кўпроқ жалб этишни рағбатлантириш механизмини яратиш мухим аҳамият касб этади.

Юқорида зикр қилинган фикрлардан хуроса қилинадиган бўлинса, сув тежамкор технологияларини жадал суръатда жорий қилиш, сув ресурсларини самарали бошқаришга ўтказиш, ирригация ва мелиорация тизимида илғор ва замонавий технологияларни кенг жорий этиш, илғор хорижий технологияларни тезкор қўллаш, соҳага ахборотлаштиришнинг замонавий механизмларини кенг кўламда киритиб бориш, хорижий тажрибаларни чуқурроқ жалб қилиш, шериклик маблағларини устувор йўналишда жалб этиш, албатта ўзининг ижобий натижасини беришига тўла асос яратади.

Адабиётлар/Литература/References:

1. Ахмедов, А. К. (2014). Сув тежаш технологияларидан қишлоқ хўжалигида фойдаланишнинг иқтисодий самарадорлиги. *Иқтисодиёт ва инновацион технологиялар*” илмий электрон журнали, (3).
2. Аҳмедов И.А. Сув хўжалиги қурилишини ташкил қилиш, режалаштириш ва бошқариш. Дарслик.— Тошкент: «Ўзбекистон файласуфлари миллий жамияти» нашриёти, 2010. — 272 б.
3. Журабеков И, Умурзоков М. “Ўзбекистон: яқин тарихга бир назар”. Оммабоп рисола. -Т.: -2023. 198 б.
4. Икрамова М.Р. Сув омборлари гидрологияси. Ўқув қўлланма. – Тошкент: Бактрия Пресс, 2019, 176 бет.
5. Қашқадарё вилояти Қишлоқ ва сув хўжалиги бошқармаси ҳисботи. – Қарши.: 2024, 102 бет.
6. Cosgrove, W. J., & Loucks, D. P. (2015). Water management: Current and future challenges and research directions. *Water Resources Research*, 51(6), 4823-4839.
7. Умаров, С. Р. (2017). Сув хўжалигини инновацион ривожлантириш ва уни қўллаб-кувватлашнинг асосий йўналишлари. *Иқтисодиёт ва инновацион технологиялар*, (1).
8. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2013-2017 йилларда суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини янада яхшилаш ва сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-1958-сонли Қарори. 2013 йил 19 апрел.
9. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Томчилатиб суғориш тизимини ва сувни тежайдиган бошқа суғориш технологияларини жорий этиш ва молиялаштиришни самарали ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 176-сонли Қарори. 2013 йил 21 июн.
10. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикаси сув хўжалигини ривожлантиришнинг 2020-2030 йилларга мўлжалланган концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги 6024-сонли Фармони. 2020 йил 10 июл.
11. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Қуий бўғинда сув ресурсларини бошқаришни такомиллаштириш ҳамда сув истеъмолчилари орасидаги муносабатларни тартиба солиш чора тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-145-сонли Қарори. 2022 йил 1 март.
12. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Пахта хом ашёсини етиштирувчилар фаолиятини янада қўллаб-кувватланишнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисидаги” ПҚ-23-сонли Қарори. 2023 йил 26 январ.

SCIENCEPROBLEMS.UZ

**ИЖТИМОЙ-ГУМАНИТАР ФАНЛАРНИНГ
ДОЛЗАРБ МУАММОЛАРИ**

Nº 4 (4) – 2024

**АКТУАЛЬНЫЕ ПРОБЛЕМЫ СОЦИАЛЬНО-
ГУМАНИТАРНЫХ НАУК**

ACTUAL PROBLEMS OF HUMANITIES AND SOCIAL SCIENCES

**Ижтимоий-гуманитар фанларнинг
долзарб муаммолари” электрон
журнали 2020 йил 6 август куни 1368-
сонли гувоҳнома билан давлат
рўйхатига олинган.**

**Муассис: “SCIENCEPROBLEMS TEAM”
масьулияти чекланган жамияти**

Таҳририят манзили:
100070. Тошкент шаҳри, Яккасарой
тумани, Кичик Бешёғоч кўчаси, 70/10-
уй. Электрон манзил:
scienceproblems.uz@gmail.com
Боғланиш учун телефонлар:
(99) 602-09-84 (telegram).